



Таълим Сифати Ва Самарадорлигини Оширишда Ўқитувчи Ва Ўқувчи Ҳамкорлигининг Инновацион Модели

Мамаюнус Қаршибаевич Пардаев

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти профессори, и.ф.д.

Севара Абдуназаровна Бабаназарова

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти доцент в.б. PhD.

Озода Мамаюнусова Пардаева

Тошкент Давлат Иқтисодиёт университети кафедра мудири, доцент, PhD.

Аннотация: мақолада таълим сифати ва самарадорлигини оширишда ўқитувчи ва ўқувчи ҳамкорлигининг инновацион модели қараб чиқилган. Бунда ўзаро боғлиқликнинг инновацион моделларидан муаллифлар томонидан ишлаб чиқиб, тавсияга киритилган “3Ў+3Т СЖ” моделининг мазмуни очиб берилган. Шунингдек, таълим сифати ва самарадорлигини оширишга қаратилган алоҳида ўқитувчиларга ва ўқувчиларга (талабаларга) бериладиган саволлардан ҳам намуналар келтирилган. Буларнинг креатив фикрлаши учун йўналиш ҳам берилмоқда.

Калит сўзлар: таълим, таълим сифати, таълим самарадорлиги, ўқувчи, талаба, ўқитувчи, таълим мазмуни, нима, нима учун, қандай қилиб.

Мамаюнус Қаршибаевич Пардаев

Профессор Самарқандского института экономики и сервиса, д.э.н.

Севара Абдуназаровна Бабаназарова.


Самарқандский институт экономики и сервиса доцент, PhD.

Озода Мамаюнусова Пардаева

Ташкентский государственный экономический университет,
заведующий кафедрой, доцент, PhD.

ИННОВАЦИОННАЯ МОДЕЛЬ СОТРУДНИЧЕСТВА ПЕДАГОГА И СТУДЕНТОВ В ПОВЫШЕНИИ КАЧЕСТВА И ЭФФЕКТИВНОСТИ ОБРАЗОВАНИЯ

Аннотация: в статье рассматривается инновационная модель сотрудничества учителя и ученика в повышении качества и эффективности образования. Раскрыто содержание модели «3Ў+3Т СЖ», разработанной авторами и включенной в рекомендацию. Также приведены примеры вопросов отдельным преподавателям и учащимся (обучающимся), направленные на повышение качества и эффективности образования. Также дается направление их творческому мышлению.



Ключевые слова: образование, качество образования, эффективность образования, учащийся, студент, преподаватель, содержание образования, что, почему, как.

Mamayunus Karshibaevich Pardaev

Professor Samarkand Institute of Economics and Service, doctor of economic sciences.

Sevara Abdunazarovna Babanazarova.

Samarkand Institute of Economics and Service Associate Professor, PhD.

Ozoda Mamayunusova Pardaeva

Tashkent State Economic University, Industrial Department,
Associate Professor, PhD.


INNOVATIVE MODEL OF COOPERATION BETWEEN TEACHER AND STUDENTS IN IMPROVING THE QUALITY AND EFFICIENCY OF EDUCATION

Abstract: the article considers an innovative model of cooperation between a teacher and a student in improving the quality and efficiency of education. The content of the model “3Ў+3Т СЖ”, developed by the authors and included in the recommendation, is disclosed. Also, examples of questions to individual teachers and students (learners) are given, aimed at improving the quality and efficiency of education. Also, direction is given to their creative thinking.

Key words: education, quality of education, effectiveness of education, student, teacher, content of education, what, why, how.

Кириш. Мавзунинг долзарблиги. Тан олинган ҳақиқат, ҳар қандай жамиятнинг иқтисодий тармоқлари ва ижтимоий соҳасини ривожлантиришда таълим-тарбия ҳамда илм-фаннинг ўрни беқиёс. Таълим бўлмаса фан ривожланмайди, фан ривожланмаса, тараққиёт бўлмайди. Агар қайси мамлакатнинг иқтисодиёти, ижтимоий аҳволи таназзулга учраётган бўлса, шу давлатда таълимга эътибор камлигидан далолат. Бу ҳам ҳақиқат. Мамлакатимизда ушбу ҳолатни тўғри англаган ҳолда бир қанча аҳамиятли чора-тадбирлар белгиланиб, уларнинг ижроси назоратга олиниб борилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” ПФ-5847-сонли Фармони шу фикримизнинг далилидир.

Президентимизнинг мазкур фармонда “юқори малакали профессор-ўқитувчилар, олимларни таълим жараёнига жалб қилишнинг самарали механизмларини яратиш, муайян кўрсаткичлар асосида уларнинг фаолиятини баҳолаш тизимини ривожлантириш” вазифаси белгиланган. Шунингдек, “олий таълим муассасаларининг Ўзбекистон ялпи ички



маҳсулоти ошишидаги иштирокини ва мамлакат ижобий халқаро имиджини шакллантиришдаги ролини ошириш;” лозимлиги ҳақида аниқ кўрсатма ҳам ўз ифодасини топган. Булардан ташқари, “таълимда брендлар, илмий анъаналар тизимини яратиш асосида олий таълим ва олий таълим муассасалари имижини шакллантириш стратегияси бўйича дастур қабул қилиш” каби масалаларга алоҳида урғу берилган. Ушбу ҳолатлар мазкур ишнинг ўта долзарб масалага бағишланганлигидан далолатдир.

Тадқиқот методологияси. Мақолада таълим сифати ва самарадорлигини оширишда ўқитувчи ва ўқувчи ҳамкорлигининг инновацион модели тадқиқ қилинган. Ушбу жараёнида турли методологик йўналишлардан, хусусан, индукция ва дедукция, макон ва замон, таҳлил ва синтез, мантиқий таҳлил кабилардан фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар. Бугунги кунда дунё миқёсида энг долзарб масалалардан бири таълим сифати ва самарадорлигини ошириш билан боғлиқдир. Шу туфайли ҳозирги кунда барча эътибор ушбу масалаларнинг ечимига қаратилган. Чунки, иқтисодий-ижтимоий ҳаётимизда рўй бераётган инновацион жараёнлар ушбу масаланинг долзарблигини янада оширмоқда. Ушбу инновацион жараёнлар инновацион ғояларни, турли инновацион ишланмаларни ва шу билан боғлиқ йўлларни ишлаб чиқишни ҳам тақозо қилмоқда.

Ушбу масаланинг ечимларидан бири сифатида тадқиқот жараёнида таълим сифати ва самарадорлигини оширишнинг инновацион модели ишлаб чиқилди. Бу моделнинг кўриниши қуйидагича ифодаланади:

“3Ў+3Т СЖ”

Бунда:

3Ў – таълим сифати ва самарадорлигини оширишга қаратилган ўқитувчига бериладиган учта саволлар мажмуи;


3Т – таълим сифати ва самарадорлигини оширишга қаратилган талабага бериладиган учта саволлар мажмуи;

СЖ” – саволларга топилган тўғри жавоблар.

Ушбу моделни ишлаб чиқишда хорижий тажрибалардан ҳам фойдаланилди. Жумладан, Қашқадарёда фаолият олиб бораётган Финляндиялик эксперт Петри Лоунаскорпи таълим тўғрисида қуйидагиларни айтибди: “Биз Финляндияда ўқитувчиларга 3 та савол берамиз: **биринчиси**, «Нима?». Яъни «У берадиган таълимнинг мазмуни нималардан иборат?», «Қандай фактлар асосига қурилган?», «Таълим мазмуни ўзаро қайси нуқталарда кесишади?».

Иккинчиси, «Нима учун?». Яъни «Ушбу дастурдан ўқувчи қандай фойда кўради?», «Таълим жараёнлари имтиҳонлар учунми?», «Реал ҳаёт учунми?», «Келажак учунми?», «Касб учунми?».

Учинчиси эса, «Қандай қилиб?». Яъни «Ўқувчиларга таълим бериш учун энг яхши метод нима?» Ўйлайманки, Ўзбекистонда ҳам мана шу жиҳатлар



эйтиборга олинса, таълим жараёнларини такомиллаштириш осонрок кечади»¹, дейилган.


Ушбу йўналишни ўзимизда ҳам бемалол қўллашимиз ва шу йўл билан ўқитувчиларнинг масъулиятини оширишимиз мумкин. Бунда асосий эйтибор, таълим сифати ва самарадорлигии оширишга қаратилган ўқитувчиларга (профессор-ўқитувчиларга) бериладиган саволларга эйтибор қаратилади. Шу тариқа ушбу саволлар таркибида юқорида келтирилган барча масалалар ўз аксини топмоғи лозим. Ушбу моделнинг биринчи қисмига кирувчи йўналишларнинг ўзаро боғлиқликларини расм кўринишида ҳам ифодалашни мақсадга мувофиқ, деб топдик. Бу ҳолда ушбу моделнинг биринчи қисми, яъни “3Ў” қуйидаги кўринишга эга бўлади (1-расм).



1-расм. Таълим сифати ва самарадорлигии оширишга қаратилган ўқитувчиларга (профессор-ўқитувчиларга) бериладиган саволлар


Бундай ёндошувни мамлакатимизнинг барча таълим тизимида қўллаш мумкин. Бунинг учун профессор-ўқитувчиларни шунга мос ҳолда тайёрлаш, уларнинг малакаси ва масъулиятини ошириш, ўқув дастурларини ҳам замон талабига мослаштирган ҳолда такомиллаштириш, янгича дарс ўтиш методларини ишлаб чиқиш лозим бўлади.

¹ https://uza.uz/uz/posts/finlyandiyalik-maslahatchi-talimdagi-islohotlar-mazmuni-eng-quyi-tizimgacha-etib-bormayapti_420686



Бугунги кунда, кечиктириб бўлмайдиган муҳим масалалардан бири ижтимоий-иқтисодий соҳаларнинг барчасида, шунингдек, таълим соҳасининг ривожига ҳам рақамлаштириш катта эҳтиёжга айланди. Ушбу жараён жамиятни ривожлантиришнинг муҳим омиллари бўлиш билан бирга, бугунги кундаги ҳамон сақланиб келаётган коррупциянинг олдини олишда ҳам муҳим ўрин тутди. Чунки олий ўқув юртларида барча жараёнларни рақамлаштириш, абитуриентлар ва талабаларга ҳамда профессор-ўқитувчиларга ҳам эркин фаолият олиб бориш учун яратилган қулай шароитлардан бири ҳисобланади. Шу йўл билан таълим хизмати сифати ва самарадорлигини ошириш имкониятларини ҳам яратади.


Таълим сифати ва самарадорлигини оширишга қаратилган тадбирлар таркибида ўқитувчилар билан бирга ўқувчилар (талабалар)га ҳам катта масъулият юкланиши лозим. Чунки асосий натижа шу ўқувчиларнинг тегишли билим ва кўникмаларга эга бўлган ҳолда тайёр кадр бўлиб чиқишини таъминлашга қаратилгандир. Ушбу ҳолат ўқувчилар (талабалар)га ҳам тегишли саволларни бериш ва унинг жавобини қаттиқ назорат қилиб, ўқиш жараёнинини мақсадга мувофиқ ҳолда ўзгартиришга тўғри келади. Шу мақсадда ўзимиздаги ўқувчилар (талабалар)га ҳам учта саволни бериш лозим, деб топдик. **Биринчиси**, “нима учун ўқиясан?": “диплом олиш учунми” ёки “билим олиш учунми?”. **Иккинчидан**, “ўзинг севган касбга ўқиясанми?": “сен ўқиятган касбни ўзинг танлагансанми” ёки “ота-онанг танлаб сени йўналтирганми?”, деган саволларнинг ҳам аҳамияти жуда катта. **Учинчидан**, “қаерда ишламоқчисан?": “ишлайдиган жойинг аниқми?” ёки “қаерда иш топилса ўша жойдами?”, деган саволларни бериш керак бўлади. Буларнинг ўзаро боғлиқлиги қуйидаги расмда келтирилган (2-расм).



2-расм. Таълим сифати ва самарадорлигини оширишга қаратилган ўқувчиларга (талабаларга) бериладиган саволлар

Расмдан кўриниб турибдики, биз тавсия қилаётган моделнинг иккинчи қисми, яъни “3Т” ўз ичига ўқувчиларга (талабаларга) бериладиган учта саволларни қамраб олади. Бу саволларни талабалар олдида олий мактаб (ўрта мактаб) кўяди. Аммо жавобни талабанинг ўзи топиши ва жавобига амал қилиши лозим бўлади. Шу тариқа ҳар бир ўқувчининг ўзига катта масъулият юкланади. Агар ўқувчи ҳозирги кўпчилик талабалар сингари фақат “диплом олиш учун” ўқийётган бўлса, унинг ўзи ўз масъулиятини ошириб, дунёқарашини ва ўзига бўлган муносабатни ўзгартиради. Шу тариқа у асосий эътибори ва кучини билим олишга қаратади. Энди, навбатдаги босқичда ўзи ўқийётган касбига муҳаббат уйғотиб, шу касбнинг сирларини назарий ва амалий жиҳатдан чуқур ўрганишга киришади. Ниҳоят касбидан келиб чиқиб, қаерда ишлаши мумкинлигини ўқиб юрган пайтидаёқ аниқлаб олишга ҳараат қилади. Ишни кўлида диплом кўтариб олиш билан изламайди, бали олдиндан нима иш қилишлигини билиб олади ва шунга ўзини тайёрлайди. Шу тариқа ҳар бир талаба ўзини ҳаётга ўзи тайёрлаб борадиган бўлади. Бунинг учун ҳар бир талаба ўзини ўзи бошқара оладиган руҳиятни ўзида мужассам этиб, шунга амал қилишлари лозим бўлади.

Биз тавсия қилаётган моделнинг учинчи қисми “СЖ” – саволларга топилган тўғри жавобларни ўзида ифода этади. Бунда ҳар бир ўқувчи ўз олдида кўйган саволга ўзи жавоб топиб, ўзи ўнглаш масъулиятига эга бўлишлиги



лозим. Шу тарика таълим тизимида самарадорлик ва сифатнинг оширилишига эришиш мумкин бўлади.